


*Тадбиркорлик*

## ШАКАРНИНГ ЎРНИНИ БОСАДИ

«Тадбиркорга омад ёр», дейишади. Ана шундай омади кулиб боқаётган, изланувчан ва меҳнатсевар тадбиркорлардан бири пойтахтимизнинг Яккасарой туманида фаолият кўрсатаётган «Фан-Дон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Миржалол Ойматовдир. У киши жамоа мутахассислари билан биргаликда бугунги кунда мамлакатимиз учун керакли ва зарур бўлган шакар ўрнини босувчи модда, яъни асалин концентратини яратдилар.

Ушбу маҳсулот шуниси билан қимматлики, у 70 фоиз қанд ва шакар ўрнини боса олади ва энг муҳими ўзимизнинг хом ашёдан: яъни арпа, буғдой, маккажўхорининг энг паст навларидан, оқшоқдан биотехнологик усул билан тайёрланади. Асалиннинг афзалликларидан яна бири у экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотдир. Ушбу маҳсулот, айниқса консерва тайёрлайдиган корхоналарда ва уй шароитида мураббо ҳамда жемлар тайёрлашда ниҳоятда қўл келади.

Корхона жамоаси туманда ўтказилган «Ташаббус—99» кўрик-танловида иштирок этиб «Энг яхши тадбиркор» номини олди ҳамда шаҳар кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлиги ажойиб муваффақият бўлди.

— Қилаётган ишингнинг юртингга, халқингга фойдаси борлигини ҳис этишнинг ўзи катта бахт, — дейди Миржалол Ойматов. — Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз шуниси билан қимматлики, у мамлакатимизда шакар етишмаслиги боис ишламай турган консерва заводларини ўзимизнинг хом ашё билан таъминлайди. Бундан ташқари асалин «Ўздонмаҳсулот» Давлат акционерлик корхоналарида ҳам қўл келади. Шунингдек, маҳсулотимиз қанд касаллиги билан оғриган беморларга ҳам тавсия этилмоқда. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги синовлар ўтказиб, уни қандли диабет ва аллергик касалликларга чалинган беморлар учун парҳез таом сифатида қўллашни тавсия қилди.

Ҳозирги кунда барча имкониятлар ишга солиниб, шунингдек республика Фан ва техника давлат қўмитасининг қўллаб-қувватлаши асосида ойига 50 тоннадан маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Биз ўз ишимизни, чиқараётган маҳсулотимизни синовдан ўтказдик. Эндиликда эса кредит олиб, биринчи навбатда ўз ички бозоримизни қимматли ва зарур маҳсулот билан таъминлаш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш режаларимиз бор.

Президентимиз ва ҳукуматимизнинг тадбиркорларга яратаётган шарт-шароитлари, қўллаб-қувватлашлари «Фан-Дон» ишбилармонлари учун ҳам кенг имкониятлар очди. Ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиш эса уларнинг асл мақсадларидир.

**Барно ҲОШИМОВА.**

*Саноат*

## «МУЗҚАЙМОҚ»НИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ

Сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларнинг харидоргир турларини кўпайтириш бугунги бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири саналади. Албатта, бугун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналарнинг ошиғи олчи. Бундай жамоалар ҳам ўз истиқболини белгилайди, ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти равнақига муносиб улуш қўшади.

Пойтахтимиздаги «Музқаймоқ» корхонаси ана шундай тадбиркорлик билан иш юритаётган жамоалардандир. Илгарилари бу корхонада фақатгина музқаймоқ ишлаб чиқарилаётган бўлса, икки йилдирки бу ерда янги цехлар очилиб, сут ва сут маҳсулотлари ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни кунларда жамоа ишчи-хизматчилари томонидан кунига 30 тонна ҳар хил турдаги музқаймоқ ва 30 тонна сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган сут, қатиқ, қаймоқ, пишлоқ, қуюқ сут, бринза каби маҳсулотлар бежирим ва чиройли қадоқланган идишларда харидорларга тортиқ этилмоқда. Музқаймоқнинг 7 хил тури ҳамшаҳарларимиз ва Тошкент вилояти аҳолисини ширин мазаси билан хушнуд этмоқда.

— Келгуси ойдан ҳамшаҳарларимизни яна бир маҳсулотимиз билан мамнун этиш ниятидамиз, — дейди жамоа корхонаси бош директори Шуҳрат Сулаймонов. — Россия давлати, яъни Москва билан ҳамкорликда «Сервис-холод» қўшма корхонасини ташкил этяпмиз. Албатта, ушбу корхонада янги технология асосида тайёрланган музқаймоқлар харидорларимизга маъқул келади, деган умиддамиз.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**

*Анжуманлар*

## ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Яқинда Тошкент Давлат юридик институтида Ҳиндистон элчихонаси вакиллари билан «Ўзбекистон тарихи» кафедрасининг бир қатор профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда Ўзбекистон мустақиллигининг тўққиз йиллигига бағишланган талабаларнинг илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни институт ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Ҳалим Бобоев кириш сўзи билан очиб, талабаларнинг мамлакатимиз тарихини янада чуқур ва мукаммал ўрганишлари, Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашда талаба-ёшларнинг ўрни ва вазифалари муҳимлигини яна бир бор таъкидлади.

Шунингдек, конференцияда институт талабалари У. Умурқулов, М. Ҳусановалар Президентимиз И. Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ биринчи сессиясида «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» номли маърузалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Неъмат ҲАТТАБОВ, талаба.**

*Муносабат*

## ЎЗЛИГИНГНИ УНУТМА...

Ўзбек йигити. Унинг довруғи, оламшумул олижаноб фазилатлари, болапарварлиги, шижоату жасурлиги, садоқату вафодорлиги, тантилиги, саховатлилиги, қўйингчи, айтаверсак сифати кўп. Биз оналар улар билан фахрлансак арзийди.

Педагогман, ҳар тонг мактабга, болаларга шошиламан. Улар орасида юриб, ширин-ширин гапларини эшитсам мен ҳам қувонаман. Лекин... қани ҳамма бола бирдай шундай қувноқ бўлса деб ўйланиб ҳам қоламан...

Кеча уйда бўлган нохуш гаплар, жанжалларнинг шоҳиди бўлган ғамгин болаларни кўриб ачиниб кетаман. Ҳали суяги қотмаган бу мурғакнинг бошига худди дунё ағдарилиб кетаётгандек ташвиш, ғам-андуҳ, хазин овози титрайди. Кўзларидан шашқатор ёш оқади.

Бундай болаларнинг ота-оналари ким? деб сўрарсиз ўқувчим. Улар нима учун норасидаларни бўзлатиб қўйибдилар! — деб ўйларсиз.

Улар тошбағир оталар. Улар билан бир неча марта юзлашганмиз. Афсус инсон деган номга доғ тушириб юрган майхўрлар, гапчилар... Бундай оталар билан одамлардек гаплашиб бўлмайди. Болаларининг ўқиши, тақдири ҳақида гап очсангиз «Бола меники, нима қилсам ўзим биламан!» деб дўқ қилади. Эсиз одамгарчилик, эсиз оталик...

Дарс бошлайман. Ҳамма болаларнинг нигоҳи менда. Жон қулоқ бўлиб эшитишади. Ораларида Бахтиёр деразага ўгирилганча бир нуқтага тикилади, хаёл суради.

Во ажаб, кичик бошида шунча ташвиш... Уни чақираман, эшитмайди ҳам. Майли, дейман уни аяб. Қўнғироқ чалинади. Болалар қийчув кўтариб, ҳовлига шошилади. Бахтиёр партага михлангандек ўтиради, гоҳо бошини партага қўйиб «пиқ-пиқ» йиғлайди. Бошини силайман, унинг дарди баттар ошади. Йиғлаб изтироб чекади.

— Бахтиёр, йиғлама бўтам, дейман.

— Адам маст бўлиб келиб, ойимларни урдилар, бизни сўкиб, кўчага қувдилар... дейди титроқ овозда. Бахтиёрни бағримга олиб, қўшилишиб йиғлайман. Қани энди шу тобда отаси кўзимга кўринса-ю аламимни олсам, — деб ўйлайман.

Оҳ, ҳамкасбларим, ўқитувчилар, машаққатли меҳнатингиз билан бирга ҳар бир боланинг кўнглини олишга, уларга ҳамфикр бўлишга тайёрсиз, сизга минг бора раҳмат!

Бу қандай бедодлик? Фарзандни дунёга келтириб, номардлик қилиш инсонга хос иш эмас-ку! Ахир ёш болаларда нима айб?

Ҳадисда ҳам айтилган:

Оила, фарзандни хўрлаш ўта гуноҳ, бу гуноҳни Оллоҳ асло кечирмайди. Оталик бурчини адо этмаслик гуноҳ устига яна гуноҳ.

Қўлимда таҳририятлардан берилган хатлар...

«Тирноққа зормиз. Қани эди ўғилми, қизми кўрсак, дунёдан беармон ўтардик.»

Мовжуда, Асатулла.

«Муштипарман, ёлғизман, бахтимни, саодатимни бир «шумғия» ўғирлади. Севган гулимни узди, гулзоримни пайҳон қилди. Яқинда фарзандлик бўлардик. Эрим буни билатуриб, бир аёлга эргашиб кетди.»

Ҳуринисо.

«Қани оқ либос кийиб, беташвиш, қувноқ юрган онларим. Қушдек парвоз қилишга тайёр турган чоғларим. Орзу-умидларим пучга чиқди. Эрим устимга хотин олди. 2 болам билан уйдан чиқиб кетдим.»

Манзура.

Инсон руҳи шундайки вақт ўтиши билан кўп нохушликларни унутиши мумкин, лекин аёл эрининг хўрлаганини асло унутмайди, кечирмайди. Халқимизда «Эр хўрлаганни ҳатто ер ҳам хўрлайди» — деган нақл бор.

Фарзанд-чи, унинг тақдиричи?

Жоним укаларим, ўғилларим, деб илтижо қиламан. Қаҳрингиз бунчалар оғир бўлмаса. Бу ўзбек йигитига ярашмайдиган хунук қилиқлар-ку! Наҳот яқиндагина бир ёстиққа не-не умид, орзулар билан бош қўйиб, охир-оқибат ўша никоҳ кечасида гул-гул ёнган чеҳраларни бугун жизғанакка айлантирсангиз? Фарзандингиздан тонсангиз!

Ҳаёт гули, қувончи, файзи, таровати шу азиз фарзандларнинг мукаммал бўлиб ўсиши, улғайиши, ота-онаси, халқига ҳалол хизмат қилишига барчамиз масъулмиз.

Ўйлаймизки, ўзбек йигитлари: фахру иқболимиз, ишончли тоғларимиз, оиламиз боғбонлари, сарбонлари, фарзандларимизнинг севимли адажонлари бахтимизга ҳамиша омон бўлсинлар.

**Қумри АБДУЛЛАЕВА, педагогика фанлари доктори.**



Катта ҳаёт бўсағасида.

*Оила*

## «ШОДЛИК» — ХИЗМАТИНГИЗДА

Пойтахтимиздаги «Юнусобод» теннис кортига кириб бораркансиз, бу ердаги орасталик, гўзаллик ва покизаликни кўриб кўзингиз қувнайди.

Турмуш қуришга аҳду паймон қилган йигит ва қизлар, фарзандига туғилганлик гувоҳномасини олишга ошиққан ота-оналар, турли хил далолатномаларни расмийлаштириш учун келган кишилар билан ҳамиша гавжум бу кошона — 2-«Шодлик» бахт уйидир.

Никоҳ тўйи инсон умрида бир маротаба ўтказиладиган улуғ шодиёна, — дейди биз билан суҳбатда «Шодлик» бахт уйи мудираси Наргис Исҳақова. — Шу туфайли тадбирларимизни чиройли, эсда қоладиган ва таъсирчан ўтишига интиламиз. Соғлом авлод йили муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15 февралдаги 46-сонли қарорини бажариш юзасидан иш режасини ишлаб чиққанмиз. «Соғлом авлод — юрт келажаги», «Соғлом она — соғлом фарзанд гарови», «Бола — улуғ неъмат» каби тадбирларни бевосита ёшлар билан мулоқот тарзида ўтказдик.

Мен ёшларимизни «оила» деган муқаддас тушунчанинг бурч ва масъулиятини яхшироқ англашларини, соғлом фарзандларнинг ота-онаси бўлиш учун ўз саломатликлари ҳақида доимо қайғуришлари кераклигини билишларини истардим. Ёшларнинг жисмоний ва тиббий мослигини ўрганиш масаласи давлат сиёсати даражасида қаралмоқда ва «Оила» кодексининг 17-бандига «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади», деб киритилди.

Оила қуриш учун ариза билан келган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун «Ахборот сервис хизмати»га (АСХМ) юборамиз. Диагностика марказида бўлажак келин-куёвларга навбатсиз хизмат кўрсатилади.

Ушбу маскан ходимлари маҳалла-кўй, жамоатчилик, ота-оналар билан ишлашга катта эътибор беришади. Бахтли оилаларнинг кўпайишида аввало ота-оналарнинг ўрни беқиёсдир. Бу ердаги ҳар бир ишни амалга оширишда жамоа аҳлининг ҳамжиҳатлиги самара бермоқда.

Айниқса Нилуфар Насриддинова, Умида Ёқубова каби ўз ишини пухта билган, ёшларимизга ҳар қандай масалада маслаҳат ва йўл-йўриқ кўрсата олган ходимларимиз ҳурмат-эътиборга сазовор бўлмоқдалар. Мақсадимиз йигит ва қизларимизни доимо соғлом ва бахтиёр кўриш.

Ёш оилаларнинг бахтиёр ва мустаҳкам бўлишига озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшиб келаётган 2-«Шодлик» никоҳ уйи «Оламда бахтли оилалар кўпайиб, оналар алласи, болаларнинг шўх-шодон кулгуси янграйверсин!» шиори остида меҳнат қилмоқда.

**Шоира МУХАМЕДОВА.**

*Ҳуқуқ*

## ТАДБИРКОРЛАРНИ ҚОНУН ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДА

1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда Республикамиз Президенти Ислом Каримов «Назорат органлари тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам бериш ўрнига ўзларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари билан амалда кичик бизнес ривожига тўсқинлик қилмоқда» деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ана шундай ҳолатларга чек қўйиш, ислоҳотларни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан ҳуқуқ-тартибот идораларининг бу йўналишдаги фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг зиммасига кўплаб вазифалар юкланди.

Турли назорат қилувчи идораларнинг тадбиркорлар ва корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишининг олдини олиш ва ислоҳотлар жараёнига тўсиқ-ғов бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш бўйича Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Суҳбатдошимиз — Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Акмал ИНОНБОБОЕВ тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқларини қай тарзда англаши ва тадбиркорларнинг эркин фаолиятини таъминлаш, ноўрин аралашувларга, турли ноқонуний, асоссиз текширувларга чек қўйиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

— Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жамиятимизда хусусий мулкка ҳурмат, унинг мутлоқ ва дахлсизлиги, тадбиркор ҳуқуқини бузганлик учун жазо муқаррарлиги муҳити яратилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш режали тартибда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлаб турадиган, аудиторнинг ҳар йиллик тегишли хулосаларига эга бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятининг бошқа норма ва қоидаларига риоя этадиган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан, қоида тариқасида, икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш уларнинг назорат қилувчи органлар томонидан фаолиятига ҳалақит бермаган ҳолда 30 календарь кун давомида амалга оширилади, бунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари уларнинг ваколат доирасига кирмайдиган масалалар бўйича талабларини бажармаслик ҳамда текшириш мавзуига оид бўлмаган материаллар билан таништирмаслик ҳуқуқига эгадирлар. Ўтказилган текшириш натижалари қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тадбиркорлик фаолияти субъектларига маълум қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги 57-сонли қарорига кўра Адлия вазирлигида ва ўз навбатида Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида ҳам янги кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилган бўлиб, кичик, ўрта ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни муваффақиятли олиб бормоқдалар.

Адлия бошқармасининг барча масъул ходимлари шаҳардаги туман палаталарига бириктирилган бўлиб, улар асосан туманда тадбиркорликка тўсқинлик қилиш, уларнинг ҳуқуқларини бузувчи қарорлар, ҳаракатлар ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар бўлганлиги ва қандай чоралар кўрилганлигини атрофлича ўрганиб, тегишли амалий ёрдамлар бермоқдалар.

Бошқармада янги бўлим ташкил этилиши муносабати билан 162-92-42 рақамли «Ишонч телефони» жорий қилиниб, доимий навбатчилик белгиланган. Ушбу телефон орқали келиб тушаётган хабарларда асосан жойларда тадбиркорликка тўсқинлик қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз равишда аралашиш ва ноқонуний текшириш фактлари хабар қилинмоқда ва бундай хабарлар бўйича ўз навбатида тегишли чоралар кўрилмоқда.

«Ишонч телефони» орқали келиб тушган бир неча хабарлар бўйича ўтказилган текширувлар натижасида айрим назорат ва маъмурий органлар томонидан тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатлари тасдиқланиб, Адлия бошқармасининг аралашуви билан бундай қонунбузарликларга чек қўйилмоқда ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилган ҳар бир тадбиркорнинг шикояти доимий эътиборда ва тезлик билан ҳал этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида айтиб ўтилган қарорига кўра кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб бериш масаласида адлия органларига берилган ваколатлари доирасида судларга даъво ариза билан мурожаат қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 1999 йил 18 сентябрь куни Тошкент шаҳар «Отчопар» буюм бозори ҳудудида икки нафар милиция ходимлари хусусий тадбиркор, фуқаро Ш.Шарафуддинова тегишли бўлган 14 та ўрам газламаларни ноқонуний равишда олиб қўйишган ва тадбиркорнинг уларга берган тушунтиришларини инобатга олишмаган. Натижада тадбиркор 7 ой мобайнида савдо фаолияти билан шуғулланмасдан келган ва унга 50000 сўм моддий ҳамда 200 000 сўм маънавий зарар етказилганлиги инобатга олиниб, унга етказилган зарарларни ундириб бериш мақсадида Адлия бошқармаси Чилонзор туман судига даъво ариза билан мурожаат қилди. Суднинг 2000 йил 19 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра хусусий тадбиркор Ш.Шарафуддиновга етказилган зарарлар айбдор шахслардан ундириб берилди.

Акмал Икромов туманида жойлашган «Карвон — Бозор» улгуржи савдо мажмуида савдо қилаётган хусусий тадбиркор Зумрад Тагиевна Сайфуллаеванинг 44-дўконида туман Солиқ инспекцияси ходимлари С.Солиҳов ва З.Тиллахўжаевлар томонидан назорат текшируви ўтказилиб, текширув далолатномасига биноан 408 та 49.200 сўмлик кир ювиш воситаларининг сифат сертификати йўқлиги сабабли улар ноқонуний олиб қўйилиб, тадбиркорнинг дўкони муҳрлаб кетилган.

Хусусий тадбиркор З.Сайфуллаева томонидан ДСИ ходимлари томонидан ўтказилган текширув жараёнида ҳаяжонланиш натижасида ундан талаб қилинган кир ювиш воситалари сифат сертификатларини топа олмаган бўлсада, сўнгра уларни 25 декабрь 1999 йилда туман ДСИга бориб кўрсатганида, солиқ инспекция ходимлари томонидан ҳеч қандай чора кўрмасдан асоссиз равишда сифат сертификатларини судга тақдим этиши лозимлиги таъкидланган.

Хусусий тадбиркор З.Сайфуллаева ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш мақсадида 27-28 декабрь кунлари бир неча маротаба оғзаки равишда туман ДСИга мурожаат қилсада, аммо бу улар томонидан ижобий равишда ҳал қилинмаган.

2000 йил 5 январь куни З.Сайфуллаевага нисбатан Ўзбекистон республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 166-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган маъмурий иш туман суди судьяси П.Боймуродов томонидан кўриб чиқилган ва тадбиркорнинг судга ўзига тегишли бўлган 408 та 49.200 сўмлик кир ювиш воситаларининг сифат сертификатини тақдим қилгани ва охироқибат унинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари йўқлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан мазкур маъмурий иш тугатилиб, далилий ашёлар тадбиркорга қайтариб берилган.

Адлия бошқармаси томонидан З.Сайфуллаеванинг 15 кундан зиёд вақт мобайнида савдо фаолияти билан шуғулланмай солиқ ва суд идораларида юриб қонуний ҳуқуқлари бузилганлигини ҳисобга олиб, туман судига хусусий тадбиркор фойдасига С.Солиҳов ва З.Тиллахўжаевлар томонидан етказилган 50.000 сўм моддий ва 100.000 сўм маънавий зарарларни ундириш ҳақида даъво аризаси киритилган.

Мазкур даъво бўйича қўзғатилган фуқаролик иши 2000 йил 12 май куни Акмал Икромов туман суди томонидан мазмунан кўриб чиқилган ва суднинг ҳал қилувчи қарорига асосан даъво қаноатлантирилиб, хусусий тадбиркор З.Сайфуллаеванинг фойдасига айбдор шахслардан 50.000 сўм моддий ҳамда 50.000 сўм маънавий зарарлар ундирилган.

Адлия бошқармасининг 2000 йил 28 апрелдаги буйруғи билан барча ходимларимиз туман катта нотариуслари, ФҲДЁ бўлими мудирлари ва туман судлари консультантларидан ташкил этилган 12 та гуруҳга бўлиниб шаҳар ҳамда туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталарига доимий равишда тадбиркорлар ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун бириктирилдилар. Айни кунларда эса пойтахтимиздаги ҳар бир туманда тадбиркорларнинг ҳуқуқий тайёргарлигини ошириш мақсадида семинар машғулотлари ўтказилмоқда.

Бундан буён ҳам шаҳар Адлия бошқармаси бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўз зиммаларидаги масъулиятни тўла англаган ҳолда иш олиб борадилар.

**Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.**

## САВИЛ ҚОЛГАН СОВҒА

(Бўлган воқеа)

У кутди. Чидам ва тоқат билан кутди. Лекин ўғли билан келинидан дарак бўлмади. Ҳатто набиралари ҳам келмади. Узун кун қандайдир қувонч ва ҳаяжон билан тўлиб юрган она кўнгли бир зумда бўм-бўш бўлиб мунғайиб қолди.

Хонадонларда чироқ ёнди. Қариндош-уруғлару узоқ-яқинлар гавжумлашган қўшни оилалар аллақачонлар байрам дастурхони атрофида қувнаб ўтиришарди. Шу чоқда бирдан хола девор-дармиён қўшниси Каримахон деган жувоннинг боя: «Кечқурун бизникига чиқинг, меҳмонлар келади», деганини эслади. «Чиқсаммикан, йўқ. Ахир қай юз билан чиқаман. Каримахонга ўз оғзим билан бугун ўғлим ва келиним келишини айтганмана. Бордию, ўғлимникига ўзим бора қолсамчи?!»

Хаёлига келган шу фикрдан Хосият хола яна яшнаб кетди. Тезда кийинди. Қачонлардир байрамда марҳум чоли ҳадя этган кумуш узугини қўлига тақишни ҳам унутмади. Яна ниманидир олмоқчи эди-я. Лекин нимани, тавба, шошилганида эслай олмаса-я. Хола нима бўлса бўлар, деб қўл силтади-ю шоша-пиша йўлга тушди.

Кўчага чиқиши билан шундоққина олдига енгил машина келиб тўхтади. Ҳайдовчи йигит, эшик ойнасидан бош чиқариб салом берди. Сўнгра қаерга боришини сўради. Холадан жавоб олгач, орқа эшикни очиб уни кабинага ўтказди.

— Йўлим экан, ташлаб ўтаман опоқи.

Ҳайдовчи жуда хушчақчақ йигит экан. Бир гапириб ўн кулади. Йўлда кулдира-кулдира холанинг ҳам ичагини узди. Манзилга етгач Хосият хола ҳайдовчига пул узатди.

— Бугун байрам, — деди ҳайдовчи жилмайиб, — байрам бўлганда ҳам хотин-қизлар байрами. Шундай кунда пул олиш уят эмасми, опоқижон.

Хола қилмишидан иймaниб пулни аста чўнтагига солди-да, ҳайдовчига қайта-қайта раҳмат айтиб, тилак билдирди.

— Тупроқ олсанг, олтин бўлсин, бола-чақангни роҳатини кўр, ўғлим.

— Мана бу бошқа гап, опоқи.

Ҳайдовчи машинани елдириб кетди. Хола рўпарасидаги баланд иморатнинг иккинчи қаватига беихтиёр кўз ташлади. Чироқлар ёқилган. Демак ўғли ва келини уйда. «Келганим яхши бўлди-да, — ўйларди у, — қайтага бир кеча набираларимни бағримга босиб маза қилиб ётадиган бўлдим».

Хола зиналардан оҳиста кўтарилди. Иккинчи қаватга чиқиб, эшик қўнғироғини босди. Рўпарасида жажжигина Раънохон пайдо бўлди.

— Вой, бувим келдила, — қувончдан қизалоқнинг кўзлари ял-ял ёниб, бувисининг бўйнига осилди.

— Бувижон, сизни соғиниб кетдим, — эркаланди Раънохон ширин тиллари билан.

Хола кўзига ёш олди. Ҳайрият уни унутишмабди. Соғинишаркану уни ҳам.

— Ҳой, чиқинг, ойиз келдилар, — ошхонадан келини Эъзозхоннинг овози эшитилди.

Фозилжон аранг-каланг чиқиб онаси билан сўрашди.

— Яхши келдингизми?

Остонада Эъзозхон кўринди. Қайнонаси билан кўриша туриб:

— Ҳозирги қариялар ҳам тузук, ҳамма нарсага вақт топишади. Мана байрам қилиб бизни кўргани келибдилар. Биз бўлсак, рўпарамиздаги кинохонага чиқиб янги фильм кўришга ҳам вақт топа олмаймиз, — дея ўз гапидан ўзи ҳузур қилиб кулди.

— Қани, овқатингни тезроқ олиб келақол, мана ойим келибдилар, набираларга қараб турсалар, биз ғиз этиб киноға тушиб кела қоламиз.

— Ҳа-я, айттандек...

Эъзозхон йўқотган буюмини баногоҳ топгандек хурсанд бўлиб кетди.

Дастурхон атрофига йиғилишди. Бир-бирларини байрам билан табриклаган бўлишди. Раънохон ва Ибохонлар бувиларига табрикнома топширишди. Фозилжон Эъзозхонга маъноли қаради. Хотин чимирилиб ўрнидан турди. Узоқ ивирсина-ивирсина қоғозга ўралган бир нарсани олиб келиб кампирнинг олдига қўйди.

— Раҳмат, қизим, — деди хола негадир хўрлиги келиб.

Шу пайт у уйда унутиб қолдирган нарсасини эслади. Вой, тавба, оламан деб турган нарсани эсидан чиқарса-я. Қарилик қурсин. Энди нима қилди. Набиралари майликуя, лекин келинига бир нарса совға қилмаса қандай бўларкин. Бирдан холанинг кўзи қўлидаги чоли ҳадя қилган узукка тушди. Узукни бармоғидан чиқарди-ю келини Эъзозхоннинг олдига қўйди.

— Қизим, мендан сизга эсдалик бўлсин. Бу оддий узук бўлса ҳам, олтиндан қиммат. Фозилжоннинг отасидан хотира эди. Уни яхши ният билан тақиб юринг.

Онасининг бу соддадиллик билан қилаётган ишини кўриб Фозилжон ғалати бўлиб кетди. Унинг назарида ойиси хунук бир иш қилаётгандек эди. Набиралари эса чироқ нурида ялтиллаб турган кумуш узукни қизиқиш билан қўлларига олиб томоша қилишарди. Бирдан Эъзозхон қизи Раънохонни жеркиб унинг қўлидан кумуш узукни юлқиб олди-да:

— Вой, тавба, бошимга урамanми бу узугингизни, — деди кесатиқ билан қайнонасига чимрилиб.

Хола гуноҳ иш қилиб қўйган ёш боладек, бир келинига бир ўғлига мўлтиллаб қаради.

— Олинг, тақиб олинг. Узугингиз ўзингизга сийлов, — дея Эъзозхон узукни кампир томон улоқтирди.

Фозилжон ўрнидан туриб кетди. Хола бошини қуйи эгди. Унинг кўзларида ёш йилтиллади, қўллари беихтиёр қалтиради.

Эъзозхон қаҳр билан эрига тикилди.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**

